ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙБЕРГАНОВ МИРЗОАЛИ ЎРАЗАЛИЕВИЧ

КВАЗИЧИЗИҚЛИ ГИПЕРБОЛИК СИСТЕМАЛАР УЧУН АЙИРМАЛИ СХЕМАЛАР ТУРҒУНЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 519.633

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙБЕРГАНОВ МИРЗОАЛИ ЎРАЗАЛИЕВИЧ

КВАЗИЧИЗИҚЛИ ГИПЕРБОЛИК СИСТЕМАЛАР УЧУН АЙИРМАЛИ СХЕМАЛАР ТУРҒУНЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/FM111 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Темирбеков Нурлан Муханович** физика-математика фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Республикаси МФА мухбир аъзоси
	Ҳаётов Абдулло Раҳмонович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Нормурадов Чори Бегалиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети***

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «2» декабрь 2021 йил соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (103 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» ноябрь куни тарқатилди.
(2021йил «03» 11.2021 даги 9 рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Х.М.Шадиметов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида гиперболик системаларга қўйилган аралаш масалаларни сонли ечиш учун айирмали схемаларни қуриш ва тадқиқ этишга бағишланган изланишлар долзарб ва муҳим бўлиб, сейсмология, геологик қидирув, гидрология ва акустика каби соҳаларда кенг қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, ностационар ва сиқилувчи газнинг товуш тезлигидан юқори тезликдаги стационар оқими тенгламалари учун қўйилган аралаш масалаларни сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг турғунлигини ва яқинлашишини исботлаш ҳисоблаш математикасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда ишлаб чиқариш, нефть-газ, шаҳарсозлик, тиббиёт каби соҳаларга замонавий технологияларни жорий этиш, хусусан, илмий-техник имкониятлар суръатини ошириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, квазичизиқли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масалалар учун адекват ҳисоблаш моделларини қуришда айирмали схемалар назариясини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда аралаш масалалар учун айирмали схема қуриш ва уларнинг экспоненциал турғунлигини исботлаш муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли квазичизиқли гиперболик системани сонли ечиш учун айирмали схемалар қуриш, айирмали схема яқинлашишини исботлаш ва уларни амалий масалаларга қўллаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган муҳандислик, биотиббиёт, геофизика ва акустика масалаларининг сонли-аналитик ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, симметрик гиперболик тенгламалар учун аралаш масалаларнинг сонли ечиш методларини яратиш ва турғунлигини исботлаш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Қарор ижросини таъминлашда ўзгармас коэффициентли чизиқли икки ўлчовли аралаш масала учун айирмали схема қуриш ва унинг экспоненциал турғунлигини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий - тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4708-сон қарори.

янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].

Айирмали схемаларни қуриш ва такомиллаштириш, турғунликни исботлаш ва айирмали масала ечимнинг дастлабки дифференциал масала ечимига яқинлашиш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, Arizona University, University of Maryland, University of California at San-Diego, University of Texas at Austin, University of Michigan, University of North Caroline (АҚШ), University of Malaga (Испания), Delft University (Нидерландия), Institute of mathematics of Jena University, Institute of mathematics of University Mannheim, Technische Universität Braunschweig (Германия), Universita degli Studi di Roma La Sapienza, Universita della Basilicata (Италия), University of Oslo (Норвегия), Katholieke Universiteit, Leuven (Белгия), Universidad de Zaragoza, Universite de Nantes, Laboratoire de Mathematiques, Jean Leray, Universite de Toulouse, Université Joseph Fourier (Франция), Mathematical institute of Serbian Academy of Sciences and Arts (Сербия), Babeş-Bolyai University (Румыния), Kingston University London, Cambridge University (Англия), Санкт-Петербург ахборот технологиялари, механика ва оптика Миллий тадқиқот университетида, Россия фанлар академиясининг математика институтининг Сибирь бўлими, Москова физика-техника институти, Россия фанлар академияси математика институти, Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск давлат университетларида, Россия фанлар академиясининг ҳисоблаш математикаси институти, Россия фанлар академиясининг гидродинамика институтида (Россия) олиб борилмоқда.

Квазичизиқли тенгламалар системасининг узлукли ечимлари учун айирмали схемалар қуриш, уларнинг турғунлигини ва яқинлашишини исботлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор ноанъанавий илмий натижалар олинган: айирмали схемалар учун “коэффициентларни музлатиш” усули асосланган, турғунликни тадқиқ

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Journal of Approximation Theory, Applied Mathematics and Computation, Journal of Computational and Applied Mathematics http://www.journals.elsevier.com/mathematics; Calcolo, Numerical Algorithms, BIT Numerical Mathematics, Сибирский журнал вычислительной математики, Журнал вычислительной математики и математической физики, http://www.springer.com/mathematics манбалар асосида ишлаб чиқилган.

этишнинг энергетик методи такомиллаштирилган (Россия Фанлар академиясининг ҳисоблаш математикаси институти); монотонликнинг характеристик мезонлари асосида гиперболик тенглама ва системалар учун ноаниқ коэффициентлар усулига асосланган юқори тартибли чизиқсиз, монотон схемаларни қуриш алгоритми ишлаб чиқилган (РФА лойиҳалашни автоматлаштириш институти); ҳаракатланувчи соҳада ўзгармас коэффициентли гиперболик системалар учун энергетик усулни қўллаб аралаш масала ечими учун априор баҳо олинган. Ўзгарувчиларни муайян алмаштиришлардан сўнг ўзгарувчан коэффициентли гиперболик тенгламалар системаси белгиланган. Координата ўқлари бўйича бўлаклар жамлаш (Summation-by-Parts) оператори ёрдамида турғун айирмали схемалар қурилган (Швеция, Linköping University); ўзгармас ва ўзгарувчан коэффициентли бир жинсли чегаравий масалалар учун назария яратилган, муайян чегаравий масалалар учун қатъий турғунлик назарияси ишлаб чиқилган (Adelphy College, Garden City, Brookhaven National laboratories, Upton, Нью-Йорк, АҚШ; University of Uppsala); бир ўлчовли чизиқсиз гиперболик типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларнинг корректлиги тадқиқ этилган (Logo Alpen Adria Universität); диссипатив чегаравий шартли икки ўлчовли чизиқли гиперболик системаларнинг (ўзгарувчан коэффициентли, кичик ҳадлар бўлган ҳолда) турғун ечимларини сонли ҳисоблаш учун Ляпунов функцияси қурилган ва априор баҳо олинган (University Pierre et Marie Curie, Париж, Universitè catholique Louvain, Louvain-La-Neuve); параболик ва гиперболик тенглама ва тенгламалар системаси учун консерватив айирмали схемалар қурилган (Fudan University, Shanghai); махсус кўринишдаги ифодаланадиган чизиқсиз гиперболик системалар учун турғунлиги ҳақидаги теоремани исботлаш дискрет шаклдаги энергиянинг сақланиш қонунини қуришга асосланган адекват ҳисоблаш модели қурилган (Россия фанлар академияси математика институти, Новосибирск давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети).

Дунёда гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделлари қуриш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, чизиқли икки ва ундан ортиқ ўлчовли, ўзгарувчан коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масаланинг турғун ечимларини тақрибий ҳисоблаш методларини яратиш, квазичизиқли гиперболик тенгламалар системасига қўйилган аралаш масаланинг сонли ечимини топиш учун қурилган методларнинг турғунлигини тадқиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турғунлик айирмали схемаларнинг асосий хоссаларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқот соҳаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда математик физиканинг чизиқли масалалари учун айирмали схемалар назарияси етарлича тўлиқ ишлаб чиқилган. Ушбу назария асосларига бағишланган ишлар қаторида А.А.Самарский ва А.В.Гулин, С.К.Годунов, Р.Рихтмайер, К.Мортон, Ю.И.Шокин, З.И.Федотов, шунингдек В.С.Рябенький, А.Ф.Филиппов, Е.Г.Дьяконов, В.Б.Андреев, Ю.П.Попов, Г.И.Марчук, А.М.Блохин ва Р.Д.Алаев каби олимларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин. А.А.Самарский ва А.В.Гулин ишларида айирмали схемаларнинг турғунлик назарияси операторли айирмали схемалар асосида қурилган. Монотон айирмали схемалар гиперболик типдаги тенгламалар системасини сонли ечишда муҳим роль ўйнайди. Гиперболик системаларнинг монотонлик каби хоссалари таҳлилига Я.А.Холодов, П.С.Уткин, А.С.Холодов, И.В.Цыбулин ишлари бағишланган.

Чизиқсиз гиперболик системалар учун қўйилган масалаларнинг тадқиқи В.Л.Рождественский, Н.Н.Яненко, F.T.Eleuterio, А.Г.Куликовский, Н.В.Погорелов, А.Ю.Семенов, John A.Trangenstein, K.W.Morton, D.F.Mayers, R.J.LeVeque, N.Samira, J.Nordström каби олимларнинг илмий ишларида келтирилган. Н.Н.Яненко илмий мактаби билан боғлиқ дифференциал яқинлашиш усули айирмали схеманинг қатор хоссаларини тадқиқ этишда фойдаланилади. Навбатдаги турғунлик назарияси аралаш масалалар учун Крайс (H.O.Kreiss) томонидан яратилган. О.А.Ковыркина ва В.В.Остапенколарнинг ишларида TVD схемаларда ечим силлиқ бўлса ҳам ечимнинг экстремумларида уларнинг аниқлиги биринчи тартибгача тушиши исботланган.

Аппроксимация тартиби юқори бўлган ENO ва WENO схемаларни қуриш, турғунлигини тадқиқ қилиш C.B.Macdonald, M.Mohammad, S.J.Ruuth, M.Lahooti, A.Pishevar, П.В.Булат, К.Н.Волков ва Е.В.Ворожцов ишларида ўрганилган ва ривожлантирилган. Бундай схемалардан фойдаланиш кучсиз ва кучли узилишлар бўлган аниқ ва монотон ечимларни олиш имконини берган. G.Bastin, J.-M.Coron, A.Diagne ишларида гиперболик дифференциал тенгламалар системасига қўйилган аралаш масала ечимлари учун Ляпунов функциясини қуриш асосида ечимнинг турғунлиги тадқиқ этилган. Республикамизда гиперболик тенгламаларга қўйилган аралаш масалаларни Монте Карло усулларини қўллаб сонли ечиш усуллари билан А.С.Расулов, М.Б.Бакоев ва уларнинг шогирдлари шуғулланишган. Д.Утебаев ностационар тенгламалар учун юқори тартибли аниқликдаги айирмали схемалар қурган ва уларнинг аниқлигини баҳолаган. Р.Д.Алоев симметрик гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделларини яратиб, айирмали схемаларнинг турғунлигига чегаравий шартларнинг таъсирини ўрганган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режасининг ОТ-Ф4-28 «Гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделларини қуриш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади квазичизиқли гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделларини қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзгармас коэффициентли чизиқли аралаш масала учун айирмали схема қуриш;

ўзгармас коэффициентли аралаш масала учун айирмали схеманинг экспоненциал турғунлигини исботлаш;

ўзгармас коэффициентли чизиқли аралаш масала учун айирмали схема ечими яқинлашишини исботлаш;

ўзгарувчан коэффициентли аралаш масала учун айирмали схема қуриш;

ўзгарувчан коэффициентли аралаш масала учун айирмали схеманинг экспоненциал турғунлигини исботлаш;

ўзгарувчан коэффициентли аралаш масала учун айирмали схеманинг яқинлашишини исботлаш;

квазичизиқли гиперболик системани сонли ечиш учун айирмали схема қуриш;

квазичизиқли гиперболик системани сонли ечиш учун айирмали схема турғунлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти чизиқли ва квазичизиқли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масалалар, уларни сонли ечиш учун айирмали схемалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети энергия интегралининг дискрет аналоги, Лакс теоремаси ва квадратик формалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида айирмали схемалар назарияси, ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, дискрет аргументли функциялар, дифференциал тенгламалар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзгармас коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масаланинг турғун ечимлари учун айирмали схема қурилган;

ўзгармас коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масала учун қурилган айирмали схеманинг экспоненциал турғунлиги исботланган;

ўзгармас коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масала учун айирмали схема ечимининг дастлабки дифференциал масала ечимига яқинлашиши асосланган;

ўзгарувчан коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масала турғун ечимлари учун айирмали схема қурилган;

ўзгарувчан коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масала учун айирмали схеманинг экспоненциал турғунлиги исботланган;

ўзгарувчан коэффициентли гиперболик системаларга қўйилган аралаш масала учун айирмали схеманинг ечими дифференциал масала ечимига яқинлашиши асосланган;

квазичизиқли гиперболик системага қўйилган аралаш масалани сонли ечиш учун айирмали схема қурилган;

квазичизиқли гиперболик системага қўйилган аралаш масалани сонли ечиш учун қурилган айирмали схемаларнинг турғунлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиперболик тенгламалар системасига қўйилган аралаш масалаларни сонли ечиш учун айирмали схемалар қурилган;

гиперболик тенгламалар системасига қўйилган аралаш масалаларни тақрибий ечиш дастурий таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисоблаш математикаси, функционал анализ ва айирмали схемалар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган. Барча хулосалар компьютер ёрдамида ҳисоблаш эксперименти натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти квазичизиқли гиперболик системалар учун айирмали схемалар қурилганлиги ва уларнинг турғунлигининг исботланганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти қурилган айирмали схемалар квазичизиқли гиперболик системалар билан тавсифланувчи амалий масалаларни сонли ечишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гиперболик системаларга қўйилган аралаш масалани сонли ечиш учун қурилган айирмали схемаларнинг турғунлиги ва яқинлашиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чизиқли гиперболик системалар учун қўйилган аралаш масаланинг турғун ечимларини топиш учун қурилган ўзгарувчиларни ажратишга асосланган айирмали схемалардан AP051321026 – “Ишқаланиш коэффициентининг (хотира билан) частотали боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда эластик-деформацияланувчи ғовак муҳит динамикасини математик моделлаштириш” грант лойиҳасида биржинсли бўлмаган ғовак муҳитларда сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш муаммосини сонли-аналитик моделлаштириш ва тадқиқ этишда қўлланилган (Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлигининг фан комитети Ахборот ва ҳисоблаш технологиялари институтининг 2021 йил 13 апрелдаги №01-07/198-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши сонли ечимнинг модел масаланинг аниқ ечимига яқинлашишини тасдиқлаш имконини берган;

гиперболик системалар бир синфи учун қурилган айирмали схемалар ва квазичизиқли гиперболик системалар учун қурилган адекват ҳисоблаш моделларидан 01-01-17-1921FR грант лойиҳасида дифференциал масалаларни ечишда қўлланилган (Путра университети (Малайзия)нинг 2020 йил 10 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши дифференциал масалаларнинг сонли ечимини топиш имконини берган;

квазичизиқли гиперболик системалар учун қурилган айирмали схемалардан PPP/USG-0216/FST/30/15316 “Ночизиқли интеграл тенгламаларни ечишнинг Ньютон-Канторов методи” грант лойиҳасида интеграл тенгламаларни сонли ечишда қўлланилган (Ислом Фан университети (Малайзия)нинг 2019 йил 29 апрелдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши интеграл тенгламаларнинг сонли ечимини топиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган. 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг натижалари шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг тадбиқий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бурчакли соҳада тўлқин тарқалиш тенгламаларга қўйилган аралаш масала учун ҳисоблаш моделлари”** деб номланган биринчи боби бурчакли соҳада тўлқин тарқалиш тенгламаларига қўйилган аралаш масала сонли ечимини топиш учун адекват ҳисоблаш моделларини қуришга бағишланган. Дастлабки икки параграфда айирмали схемалар назариясининг бошланғич тушунчалари ва қаралаётган дифференциал масала учун олинган натижалар ҳақида маълумот берилган.

$R_+^3 = \{\ (t,x,y)|\ t,x,y>0\}$ соҳада

$$u_{tt} - u_{xx} - u_{yy} = 0 \qquad (1)$$

тенгламани $\mathrm{x}=0,\ (t,y)\in R_+^2$ чегарада:

$$u_t - a_1 u_x - b_1 u_y = 0 \qquad (2)$$

$y=0,\ (t,x)\in R_+^2$ чегарада:

$$u_t - a_2 u_x - b_2 u_y = 0 \qquad (3)$$

чегаравий шартлар ва $t=0,\ \ (x,y)\in R_+^2$ да

$$u(0,x,y)=\varphi(x,y),\ \ u_t(0,x,y)=\psi(x,y) \qquad (4)$$

бошланғич шартлар билан берилган аралаш масалани қараймиз. Бу ерда $a_1,b_1,a_2,b_2\in R$ ва $r\to 0$ бўлганда $u_t = o(r^{-1/2}),\ u_x = o(r^{-1/2}), u_y = o(r^{-1/2}), r=\sqrt{x^2+y^2}$.

Қуйидаги шартлар бажарилганда

1) $x=0$ бўлганда $a_1>0, |b_1|<1;$

2) $y=0$ бўлганда $a_2>0, |b_2|<1;$

яъни (2) ва (3) чегаравий шартлар учун Лопатинский текис шарти бажарилганда ξ,θ координаталарга ўтиб $\left(x=r\cos\theta,\ y=r\sin\theta,\ \xi=\ln r\right)$ (1)-(4)

аралаш масала ечими учун қуйидаги априор баҳони олиш имконини берувчи баҳо олинган:

$$\|u(t)\|^2_{W_2^1(R_+^2)} \le M_1 e^{M_2 t} \|u(0)\|^2_{W_2^1(R_+^2)}, \tag{5}$$

бу ерда $M_1, M_2 > 0$ ва $\|u(t)\|^2_{W_2^1(R_+^2)} = \iint\limits_{R_+^2} \left\{u^2 + u_t^2 + u_x^2 + u_y^2\right\} dxdy$.

Энди (1)-(4) аралаш масалани сонли ечиш учун (5) энергия интеграли дискрет аналогини олиш имконини берувчи айирмали схемани қурамиз ва ушбу айният асосида қурилган айирмали схема турғунлигини исбот қиламиз. Биринчи бобнинг учинчи параграфида сонли ечиш учун қурилган айирмали схема турғунлиги ҳақидаги теорема исбот қилинган ва сонли ечимни ҳисоблаш алгоритми келтирилган.

(1)-(4) аралаш масалани аппроксимация қилувчи айирмали схемани қуриш учун энергия интегралини қуйидаги икки шаклда ёзиб оламиз:

$$e^{\xi} A_0 \frac{\partial Y}{\partial t} - \frac{\partial [B_0 Y]}{\partial \theta} - C_0 \frac{\partial Y}{\partial \xi} + \left[Q_0 - \mu C_0 + \frac{d}{d\theta} B_0\right] Y = 0, \tag{6}$$

$$e^{\xi} A_0 \frac{\partial Y}{\partial t} - B_0 \frac{\partial Y}{\partial \theta} - C_0 \frac{\partial Y}{\partial \xi} + [Q_0 - \mu C_0] Y = 0. \tag{7}$$

(6) ва (7) тенгликларни ўнг томондан $D = diag(y_1, y_2, y_3)$ матрицага кўпайтириб, олинган тенгликларни қўшамиз

$$e^{\xi} D A_0 \frac{\partial Y}{\partial t} + e^{\xi} D A_0 \frac{\partial Y}{\partial t} - D \frac{\partial [B_0 Y]}{\partial \theta} - D B_0 \frac{\partial Y}{\partial \theta} - D C_0 \frac{\partial Y}{\partial \xi} -$$

$$- D C_0 \frac{\partial Y}{\partial \xi} + D[Q_0 - \mu C_0 + \frac{d}{d\theta} B] Y + D[Q_0 - \mu C_0] Y = 0. \tag{8}$$

$t > 0, (\theta, \xi) \in \Pi$ соҳада t, θ, ξ ўқлар бўйича мос равишда $\Delta t = \Delta_t$, $\Delta\theta = \Delta_\theta$, $\Delta\xi = \Delta_\xi$ қадамлар билан тўр қурамиз. Қуйидаги белгилашларни ва нормани киритамиз: $Y_{ij}^n = Y(n\Delta_t, i\Delta_\theta, j\Delta_\xi)$, $i = \overline{0, I}$, $n, |j| = 0, 1, \ldots$; $\|Y^n\|^2_{A_0} = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{\infty} e^{\xi j} (A_0 Y_{ij}^n, Y_{ij}^n)$, $L = (1, 1, 1)^T$, $\mu = 0.5$.

Ушбу белгилашлардан фойдаланиб, (8) тенгликни аппроксимация қилувчи айирмали схемани қурамиз:

$$e^{\xi j} D_{ij}^n (\mathrm{A}_0)_i \frac{Y_{ij}^{n+1} - Y_{ij}^n}{\Delta_t} + e^{\xi j} D_{ij}^{n+1} (\mathrm{A}_0)_i \frac{Y_{ij}^{n+1} - Y_{ij}^n}{\Delta_t} - D_{ij}^n \frac{(\mathrm{B}_0 Y)_{i+1j}^n - (\mathrm{B}_0 Y)_{ij}^n}{\Delta_\theta} -$$

$$- D_{i+1j}^n (\mathrm{B}_0)_{i+1} \frac{Y_{i+1j}^n - Y_{ij}^n}{\Delta_\theta} - D_{ij}^n (\mathrm{C}_0)_i \frac{Y_{ij+1}^n - Y_{ij}^n}{\Delta_\xi} - D_{ij+1}^n (\mathrm{C}_0)_i \frac{Y_{ij+1}^n - Y_{ij}^n}{\Delta_\xi} +$$

$$+ D_{ij}^n \left[2\mathrm{Q}_0 - 2\mu \mathrm{C}_0 + \frac{d}{d\theta} \mathrm{B}_0\right]_i Y_{ij}^n = 0, \quad \mathrm{i} = \overline{0, \mathrm{I\text{-}1}}, |j| = 0, 1, 2, .., n = \overline{0, \mathrm{N\text{-}1}}, \tag{9}$$

$i = 0$, $|j| = 0, 1, 2, \ldots$ бўлганда $(y_1)_{0j}^n - a_2 (y_2)_{0j}^n - b_2 (y_3)_{0j}^n = 0$, (10)

$i = I$, $|j| = 0, 1, 2, \ldots$ бўлганда $(y_1)_{Ij}^n + a_1 (y_2)_{Ij}^n - b_1 (y_3)_{Ij}^n = 0$, (11) ва $n = 0$, $i = 0,1,...,I$, $\left|j\right| = 0,1,2,\dots$ бўлганда

$$Y_{ij}^{0} = \left(e^{\frac{1}{2}\xi_j}\tilde{\psi}(\xi_j,\theta_i),\ e^{\frac{1}{2}\xi_j}\tilde{\varphi}'_{\theta}(\xi_j,\theta_i),\ e^{\frac{1}{2}\xi_j}\tilde{\varphi}'_{\xi}(\xi_j,\theta_i) \right)'. \qquad (12)$$

Айирмали схема чизиқсиз тенгламалар системасидан иборат бўлади.

1-теорема. Фараз қиламиз (10)–(11) чегаравий шартлар учун Лопатинский текис шарти, яъни $a_1 > 0, \left|b_1\right| < 1$ ва $a_2 > 0, \left|b_2\right| < 1$ шартлар бажарилсин.У ҳолда (9)–(12) айирмали схема $\sqrt{J^n}$ энергетик нормада турғун бўлади, бунда $J^n = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{+\infty} (A_0 V,V)_{ij}^n$.

Қаралаётган $J^n = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{+\infty} (A_0 V,V)_{ij}^n$ нормада (1)-(4) аралаш масала ечими иштирок этмайди. Шунинг учун айирмали схема ечимини топиш учун $U_t - U_t \equiv 0$ айниятдан ҳосил қилинадиган қуйидаги айирмали схемадан фойдаланилади:

$$\frac{U_{ij}^{n+1} - U_{ij}^{n}}{\Delta_t} - \left(U_t\right)_{ij}^{n} = 0. \qquad (13)$$

Энди (13) айирмали схемани $2U_{ij}^{n+1}$ векторга кўпайтирамиз:

$$2\left(U_{ij}^{n+1}, U_{ij}^{n+1}\right) - 2\left(U_{ij}^{n}, U_{ij}^{n+1}\right) - 2\Delta_t\left(\left(U_t\right)_{ij}^{n}, U_{ij}^{n+1}\right) = 0$$

ва натижада

$$\left(U_{ij}^{n+1}, U_{ij}^{n+1}\right) - \left(U_{ij}^{n}, U_{ij}^{n}\right) - \Delta_t\left(\left(U_t\right)_{ij}^{n}, \left(U_t\right)_{ij}^{n}\right) - \Delta_t\left(U_{ij}^{n+1}, U_{ij}^{n+1}\right) \le 0$$

тенгсизликни ҳосил қиламиз. Бунда $2(U,V) \le (U,U) + (V,V)$ Коши-Буняковский тенгсизлигидан фойдаландик. Юқоридаги тенгсизликни $\Delta_\theta \Delta_\xi$ га кўпайтирамиз ва i бўйича 0 дан $I-1$ гача, j бўйича $-\infty$ дан $+\infty$ гача қўшиб чиқамиз:

$$\Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{\infty} \left(U_{ij}^{n+1}, U_{ij}^{n+1}\right) \le \Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{\infty} \left(U_{ij}^{n}, U_{ij}^{n}\right) +$$
$$+ \Delta_t \Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{\infty} \left\{ \left(\left(U_t\right)_{ij}^{n}, \left(U_t\right)_{ij}^{n}\right) + \left(U_{ij}^{n+1}, U_{ij}^{n+1}\right) \right\}.$$

Киритилган норма таърифига кўра, уни

$$\left\|U^{n+1}\right\|_{A_0} \le \left\|U^{n}\right\|_{A_0} + \Delta_t \left\|\left(U_t\right)^{n+1}\right\|_{A_0} + \Delta_t \left\|U^{n+1}\right\|_{A_0} \qquad (14)$$

кўринишда ёзамиз ва $J^n = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{\infty} (A_0 V,V)_{ij}^n \le \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{\infty} (A_0 V,V)_{ij}^0 = J^0$ тенгликни эса

$$C_1 \left\{ \Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{+\infty} \left(U_t, U_t\right)_{ij}^{n+1} + \left(U_x, U_x\right)_{ij}^{n+1} + \left(U_y, U_y\right)_{ij}^{n+1} \right\} \le J^n \le$$
$$\le C_2 \left\{ \Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{+\infty} \left(U_t, U_t\right)_{ij}^{n} + \left(U_x, U_x\right)_{ij}^{n} + \left(U_y, U_y\right)_{ij}^{n} \right\}$$

каби ёзиб оламиз. Ҳосил қилинган тенгсизликни (14) тенгсизлик билан (5) баҳонинг дискрет аналогини оламиз:

$$\left\| U^{n+1} \right\|_{A_1}^2 \le const \left\| U^n \right\|_{A_1}^2 ,$$

бунда $\left\| U^n \right\|_{A_1}^2 = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum_{i=0}^{I-1} \sum_{j=-\infty}^{+\infty} \left\{ (U,U)_{ij}^n + (U_t,U_t)_{ij}^n + (U_x,U_x)_{ij}^n + (U_y,U_y)_{ij}^n \right\}$ бўлади.

Олинган баҳо таклиф қилинаётган айирмали схеманинг турғунлигини исбот қилади ва бу баҳо бурчакли соҳада тўлқин тарқалиш тенгламаларига бурчакли соҳада қўйилган аралаш ечими учун олинган (5) баҳонинг дискрет аналогидир.

Тўртинчи параграф яқинлашишни тадқиқ этиш ва модел масалаларда ҳисоблаш экспериментини ўтказишга бағишланган.

(9) - (12) – ошкор айирмали схема бўлганлиги сабабли, ечимни $n=k$ қатламда маълум деб, $n=k+1$ қатламда ҳисоблаб топамиз. Энди чизиқсиз тенгламалар системасини ечиш алгоритмини тушунтирамиз. $n=k+1$ қатламда Y_{ij}^{k+1} ечимни аниқлаш учун ҳар сафар чизиқсиз тенгламалар системасини ечиш талаб этилади. Коэффициентлар бўйича итерацияни амалга ошириб айирмали схема ечимини топамиз.

Ҳисоблаш экспериментларининг натижалари қурилган айирмали схемалардан фойдаланиш мумкинлигини ва олинган баҳонинг тўғрилигини кўрсатади.

Биринчи бобнинг бешинчи параграфида бурчакли соҳада тўлқин тарқалиш тенгламалар системасига қўйилган аралаш масалани аппроксимация қилувчи айирмали схема қурилган:

$$\begin{gathered} e^{\xi_j} \bar{D}_{ij}^n \left(\mathrm{A}_0\right)_i \frac{Y_{ij}^{n+1} - Y_{ij}^n}{\Delta_t} + e^{\xi_j} D_{ij}^{n+1} \left(\bar{\mathrm{A}}_0\right)_i \frac{\bar{Y}_{ij}^{n+1} - \bar{Y}_{ij}^n}{\Delta_t} - \bar{D}_{ij}^n \frac{\left(\mathrm{B}_0 Y\right)_{i+1j}^n - \left(\mathrm{B}_0 Y\right)_{ij}^n}{\Delta_\theta} - \\ -D_{i+1j}^n \left(\bar{\mathrm{B}}_0\right)_i \frac{\bar{Y}_{i+1j}^n - \bar{Y}_{ij}^n}{\Delta_\theta} - \bar{D}_{ij}^n \left(\mathrm{C}_0\right)_i \frac{Y_{ij+1}^n - Y_{ij}^n}{\Delta_\xi} - D_{ij+1}^n \left(\bar{\mathrm{C}}_0\right)_i \frac{\bar{Y}_{ij+1}^n - \bar{Y}_{ij}^n}{\Delta_\xi} + \\ +\bar{D}_{ij}^n \left[\mathrm{Q}_0 - \mu \mathrm{C}_0 + \frac{d}{d\theta} \mathrm{B}_0\right]_i Y_{ij}^n + D_{ij}^n \left[\bar{\mathrm{Q}}_0 - \bar{\mu} \bar{\mathrm{C}}_0\right]_i \bar{Y}_{ij}^n = 0,\ n = \overline{0, N-1},\ |j| = 0,1,... \end{gathered} \qquad (15)$$

$i=0,\quad n=\overline{0,N},\quad |j|=0,1,\ldots$ бўлганда $J_2(Y_1)_{0j}^n - A_2(Y_2)_{0j}^n - B_2(Y_3)_{0j}^n = 0,$ (16)

ва
$$\begin{pmatrix} Y_1 - Y_3 \\ -Y_2 \end{pmatrix}_{0j}^n = R \begin{pmatrix} -Y_2 \\ Y_1 + Y_3 \end{pmatrix}_{0j}^n , \qquad (17)$$

$i=I, n=\overline{0,N},\ |j|=0,1,\ldots$ бўлганда $J_1(Y_1)_{Ij}^n + A_1(Y_2)_{Ij}^n - B_1(Y_3)_{Ij}^n = 0$ (18)

ёки
$$\begin{pmatrix} Y_1 - Y_3 \\ -Y_2 \end{pmatrix}_{Ij}^n = S \begin{pmatrix} -Y_2 \\ Y_1 + Y_3 \end{pmatrix}_{Ij}^n , \qquad (19)$$

$n=0,\ i=\overline{0,I},\ |j|=0,1,\ldots$ бўлганда $Y_{ij}^0 = \left(e^{\frac{1}{2}\xi_j} \tilde{\Psi}(\xi_j,\theta_i), e^{\frac{1}{2}\xi_j} \tilde{\Phi}'_\theta(\xi_j,\theta_i), e^{\frac{1}{2}\xi_j} \tilde{\Phi}'_\xi(\xi_j,\theta_i) \right)'$. (20)

Бу ерда $A_0(\theta)$, $B_0(\theta)$, $C_0(\theta)$, $Q_0(\theta)$- $3m$ ўлчовли матрицалар, $S = \begin{pmatrix} S_1 & -S_2 \\ I_m & O \end{pmatrix}$, $R = \begin{pmatrix} -R_1 & -R_2 \\ I_m & O \end{pmatrix}$, $S_1 = 2(J_1 + B_1)^{-1} A_1$, $S_2 = (J_1 + B_1)^{-1}(J_1 - B_1)$,

$R_1 = 2(J_2 + B_2)^{-1} A_2$, $R_2 = (J_2 + B_2)^{-1}(J_2 - B_2)$, I_m – m ўлчовли квадрат матрица, O $-m$ ўлчовли ноль матрица. Ушбу схема дифференциал тенгламага қўйилган аралаш масалани ечимларида $O(\tau + \Delta_\theta + \Delta_\xi)$ тартиб билан аппроксимация қилади.

2-теорема. Агар (16), (18) чегаравий шартлар учун Лопатинский текис шарти бажарилса, яъни x=0 чегарада

а) J_1+B_1 – хосмас матрица,

б) S матрицанинг барча хос қийматлари қатъий ўнг ярим текисликда ётади, яъни $\mathrm{Re}\,\lambda_i(S) > 0,\ \ i = \overline{1{,}2m}$;

y=0 чегарада

а) J_2+B_2 – хосмас матрица,

б) R матрицанинг барча хос қийматлари қатъий чап ярим текисликда ётади, яъни $\mathrm{Re}\,\lambda_i(R) < 0,\ \ i = \overline{1{,}2m}$.

У ҳолда (15)-(20) аралаш масала $\sqrt{J^n}$ нормада турғун бўлади, бунда $J^n = \Delta_\theta \Delta_\xi \sum\limits_{i=0}^{I-1} \sum\limits_{j=-\infty}^{\infty} (A_0 V, \overline{V})_{ij}^n$.

Диссертациянинг **“Чизиқли симметрик t-гиперболик системалар учун айирмали схемаларнинг турғунлиги”** деб аталувчи иккинчи боби чизиқли симметрик t-гиперболик системаларнинг экспоненциал турғун ечимларини топиш учун айирмали схемалар қуришга бағишланади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида икки ўлчовли ўзгармас коэффициентли, кичик ҳадлари бўлган диссипатив чегаравий шартли чизиқли гиперболик система учун айирмали схемалар қурилган. Ишнинг асосий ғояси турли функционал фазоларда априор баҳо олиш ёрдамида гиперболик система ечимининг турғунлигини тадқиқ этишдан иборат.

Бунда ўзгарувчиларни ажратиш (расщепления) айирмали схемани қуриш ва турғун ечимларни ҳисоблаш муаммоларини тадқиқ этамиз.

$G = \{(t, x, y):\ 0 < t \le T,\ 0 < x < l,\ -\infty < y < +\infty\}$ соҳада махсус каноник шаклда ёзилган

$$\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \mathbf{K}\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial x} + \mathbf{C}\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial y} + \mathbf{M}\mathbf{v} = 0 \qquad (21)$$

симметрик гиперболик системани $x = 0$ бўлганда:

$$\mathbf{v}^{\mathrm{I}} = \mathbf{s}\mathbf{v}^{\mathrm{II}}, \qquad (22)$$

$x = l$ бўлганда:

$$\mathbf{v}^{\mathrm{II}} = \mathbf{r}\mathbf{v}^{\mathrm{I}} \qquad (23)$$

ва $t = 0$ бўлганда

$$v_i(0, x, y) = \varphi_i(x, y),\ \ i = 1, \cdots, n,\ \ 0 \le x \le l,\ \ -\infty \le y \le +\infty, \qquad (24)$$

бошланғич шартлар билан қараймиз, бунда $\mathbf{v}^{\mathrm{I}} = (v_1, v_2, \cdots, v_m)^{\mathrm{T}}$, $\mathbf{v}^{\mathrm{II}} = (v_{m+1}, v_{m+2}, \cdots, v_n)^{\mathrm{T}}$; $\mathbf{K}$ – диагонал шаклдаги матрица, $\mathbf{C}$ – мусбат аниқланган матрица, $\mathbf{M}$ – n ўлчовли ҳақиқий элементли квадрат, $k_i > 0,\ \ i = 1, \cdots, n$, $\mathbf{s}$– $(n-m)\times m$ ўлчовли тўғри тўртбурчак матрица, $\mathbf{r}$ – $m\times(n-m)$

ўлчовли тўғри тўртбурчак матрица. Бошланғич функциялар $|y|>\frac{1}{2}Y$ бўлганда нолга тенг. Бошланғич шартлар билан чегаравий шартларнинг мослашганлик шарти бажарилади деб фараз қиламиз, яъни

$$x=0,\, t=0 \text{ бўлганда } \boldsymbol{\varphi}^{\mathrm{I}}=\mathbf{s}\boldsymbol{\varphi}^{\mathrm{II}} \text{ ва } x=l,\, t=0 \text{ бўлганда } \boldsymbol{\varphi}^{\mathrm{II}}=\mathbf{r}\boldsymbol{\varphi}^{\mathrm{I}}. \qquad (25)$$

Бунда $\boldsymbol{\varphi}=(\varphi_1,\varphi_2,\cdots,\varphi_n)^T\in W_2^1((0,l),(-\infty,+\infty),\mathrm{R}^n)$ бўлиб, $W_2^1((0,l),-\infty,+\infty),\mathrm{R}^n)$ Соболев фазоси.

1-таъриф. (21) система (22)-(23) чегаравий шартлар билан L^2 нормада экспоненциал турғун дейилади, агар $\nu>0$ ва $c>0$ сонлар мавжуд бўлиб, ҳар қандай $\boldsymbol{\varphi}\in\mathrm{L}^2((0,l),(-\infty,+\infty),\mathrm{R}^n)$ бошланғич шартлар учун L^2- даги (21)–(23) аралаш масала ечими

$$\left\|\mathbf{v}(t,\cdot)\right\|_{\mathrm{L}^2((0,l),(-\infty,+\infty),\mathrm{R}^n)}\le ce^{-\nu t}\left\|\boldsymbol{\varphi}\right\|_{\mathrm{L}^2((0,l),(-\infty,+\infty),\mathrm{R}^n)},\ t\ge 0. \qquad (26)$$

тенгсизликни қаноатлантирса. Қуйидаги функцияни қараймиз:

$$L(t)=\int_{-\infty}^{+\infty}\int_0^l\left(\boldsymbol{\mu}(x)\mathbf{v},\mathbf{v}\right)dxdy=$$

$$=\int_{-\infty}^{+\infty}\int_0^l\left\{\sum_{i=1}^{m}\mu_i e^{-\nu x}\left[v_i(t,x,y)\right]^2+\sum_{i=m+1}^{n}\mu_i e^{\nu x}\left[v_i(t,x,y)\right]^2\right\}dxdy, \qquad (27)$$

бунда $\mu_i>0,\ i=1,\ldots,n$, $\boldsymbol{\mu}^+=(\mu_1,\ldots,\mu_m)^T$, $\boldsymbol{\mu}^-=(\mu_{m+1},\ldots,\mu_n)^T$, $\boldsymbol{\mu}(x)=diag(e^{-\nu x}\boldsymbol{\mu}^+,e^{\nu x}\boldsymbol{\mu}^-)$.

3-теорема. (21) система (22)–(23) чегаравий шартлар билан L^2 нормада турғун бўлади, агар шундай $\nu>0$ ва $\mu_i>0,\ i=1,\ldots,n$ сонлар мавжуд бўлиб,

$$\begin{pmatrix}\mathbf{K}^+ & 0\\ 0 & \mathbf{K}^-\end{pmatrix}\begin{pmatrix}e^{-\nu l}\boldsymbol{\mu}^+ & 0\\ 0 & \boldsymbol{\mu}^-\end{pmatrix}-\begin{pmatrix}0 & \mathbf{r}\\ \mathbf{s} & 0\end{pmatrix}\begin{pmatrix}\mathbf{K}^+ & 0\\ 0 & \mathbf{K}^-\end{pmatrix}\begin{pmatrix}\boldsymbol{\mu}^+ & 0\\ 0 & e^{\nu l}\boldsymbol{\mu}^-\end{pmatrix}\begin{pmatrix}0 & \mathbf{s}\\ \mathbf{r} & 0\end{pmatrix} \qquad (28)$$

ва

$$\nu\left|\mathbf{K}\right|\boldsymbol{\mu}(x)+\mathbf{M}^T\boldsymbol{\mu}(x)+\boldsymbol{\mu}(x)\mathbf{M},\ x\in(0,l) \qquad (29)$$

матрицалар мусбат аниқланган бўлса.

(21)-(24) аралаш масала сонли ечимини топиш учун G соҳада текис $G_h=\{(t^\kappa,x_j,y_q):\ 0\le t^\kappa\le T,\ 0\le x_j\le l,\ -\infty<y_q<+\infty\}$ тўр қурилган, бунда $t^\kappa=\kappa\Delta t,\ \kappa=0,\ldots,N;\quad N\Delta t=T,\quad x_j=(j+\tfrac{1}{2})\Delta x;\ J\Delta x=l;\ j=0,\ldots,J-1;$ $y_q=(q+\tfrac{1}{2})\Delta y;\ q=-\infty,\ldots,+\infty$ бўлиб, ўзгарувчиларни ажратиш (расщепления) айирмали схема қуйидагича олинган:

$$\begin{bmatrix}\left(\mathbf{w}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{w}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}\end{bmatrix}=\begin{bmatrix}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}\end{bmatrix}-\frac{\Delta t}{\Delta x}\begin{bmatrix}\mathbf{K}^+ & 0\\ 0 & \mathbf{K}^-\end{bmatrix}\begin{bmatrix}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}-\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{j-1,q}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}-\left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{j+1,q}^{\kappa}\end{bmatrix}, \qquad (30)$$

$$j=0,\ldots,J-1;\ \kappa=0,\ldots,N-1;\ q=-\infty,\ldots,+\infty\ ,$$

$$\mathbf{u}_{jq}^{\kappa}=\mathbf{w}_{jq}^{\kappa}-\frac{\Delta t}{\Delta y}\mathbf{C}\left[\mathbf{w}_{jq}^{\kappa}-\mathbf{w}_{jq-1}^{\kappa}\right],\ j=\overline{0,J-1};\ \kappa=\overline{0,N-1};\ q=-\infty,\ldots,+\infty; \qquad (31)$$

$$\mathbf{v}_{jq}^{\kappa+1} = \mathbf{u}_{jq}^{\kappa} - \Delta t \mathbf{M} \mathbf{u}_{jq}^{\kappa}, \; j = 0, \ldots, J-1; \; \kappa = 0, \ldots, N-1; \tag{32}$$

(24) бошланғич шарт

$$\mathbf{v}_j^0 = \frac{1}{\Delta x} \frac{1}{\Delta y} \int_{y_{q-\frac{1}{2}}}^{y_{q+\frac{1}{2}}} \int_{x_{j-\frac{1}{2}}}^{x_{j+\frac{1}{2}}} \boldsymbol{\varphi}(x, y) dx dy, \; j = 0, \ldots, J-1; \; q = -\infty, \ldots + \infty. \tag{33}$$

каби аппроксимация қилинади. Чегаравий шартлар эса

$$\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{-1q}^{\kappa+1} = \mathbf{s}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{0q}^{\kappa+1}, \quad \left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{Jq}^{\kappa+1} = \mathbf{r}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{0q}^{\kappa+1}, \kappa = \overline{0, N-1}; q = -\infty, \ldots + \infty \tag{34}$$

кўринишда аппроксимация қилинади. Фараз қиламиз, Курант-Фридрис-Леви(КФЛ) шарти бажарилсин, яъни

$$\left(\Delta t / \Delta x\right) \max\left|k_i\right| \leq 1, \left(\Delta t / \Delta y\right) \max\left|\lambda_i(\mathbf{C})\right| \leq 1.$$

Бунда $\lambda_i(\mathbf{C})$ – $\mathbf{C}$ матрицанинг хос қийматлари.

Энди (30)–(34) айирмали схема ечимининг турғунлиги ҳақидаги саволни тадқиқ этамиз.

2-таъриф. (30)-(34) айирмали схема (34) айирмали чегаравий шартлар билан экспоненциал турғун деб аталади, агар шундай $c > 0$ сони мавжуд бўлиб, (30)-(34) айирмали чегаравий масала ечими ҳар қандай $\mathbf{v}_{jq}^0 \in \mathrm{L}^2((x_{j-\frac{1}{2}}, x_{j+\frac{1}{2}}), (y_{q-\frac{1}{2}}, y_{q+\frac{1}{2}}), \mathrm{R}^n)$ бошланғич шартлар учун

$$\Delta x \Delta y \sum_{q=-\infty}^{+\infty} \sum_{j=0}^{J-1} \left(\mathbf{v}_{jq}^{\kappa}, \mathbf{v}_{jq}^{\kappa}\right) \leq c e^{-\eta t_\kappa} \Delta x \Delta y \sum_{q=-\infty}^{+\infty} \sum_{j=0}^{J-1} \left(\mathbf{v}_{jq}^0, \mathbf{v}_{jq}^0\right), \; \kappa = 1, \ldots, N \text{ тенгсизликни}$$

қаноатлантирса.

Қуйидаги функцияни қараймиз:

$$L(\mathbf{v}^{\kappa}) = L^{\kappa} = \Delta x \Delta y \sum_{q=-\infty}^{+\infty} \sum_{j=0}^{J-1} \left(\mathbf{v}_{jq}^{\kappa}, \boldsymbol{\mu}_j \mathbf{v}_{jq}^{\kappa}\right), \; \boldsymbol{\mu}_j = \boldsymbol{\mu}(x_j), \; j = 1, \ldots, J-1, \tag{35}$$

бунда $\boldsymbol{\mu}_j = diag(e^{-\nu x_j} \boldsymbol{\mu}^+, e^{\nu x_j} \boldsymbol{\mu}^-)$.

4-теорема. Фараз қиламиз $T > 0$ бўлиб, квадратик функция (35) формула билан аниқланган бўлсин. Агар КФЛ шарти $(\Delta t / \Delta x) \max\left|k_i\right| \leq 1$, $(\Delta t / \Delta y) \max\left|\lambda_i(\mathbf{C})\right| \leq 1$ бажарилса, $\nu > 0$ ва $\mu_i > 0, \; i = 1, \ldots, n$ шундай ҳақиқий сонлар мавжуд бўлиб, $0 < \alpha(1 - e^{-\nu \Delta x}) < 1$, бу ерда $\alpha = \min_i \left|k_i\right|$ $\mathbf{M}^T \boldsymbol{\mu}_j + \boldsymbol{\mu}_j \mathbf{M} - \Delta t \mathbf{M}^T \boldsymbol{\mu}_j \mathbf{M}, \quad j = 0, \ldots, J-1$номанфий аниқланган ва

$$\begin{bmatrix} \boldsymbol{\mu}^+ e^{-\nu x_J} \mathbf{K}^+ & 0 \\ 0 & \boldsymbol{\mu}^- e^{\nu x_{-1}} \mathbf{K}^- \end{bmatrix} - \begin{pmatrix} 0 & \mathbf{r} \\ \mathbf{s} & 0 \end{pmatrix} \begin{bmatrix} \boldsymbol{\mu}^+ e^{-\nu x_0} \mathbf{K}^+ & 0 \\ 0 & \boldsymbol{\mu}^- e^{\nu x_{J-1}} \mathbf{K}^- \end{bmatrix} \begin{pmatrix} 0 & \mathbf{s} \\ \mathbf{r} & 0 \end{pmatrix}$$

– мусбат аниқланган матрицалар бўлса, у ҳолда (30)-(34) айирмали чегаравий масала сонли $\mathbf{v}_{jq}^{\kappa}$ ечими L^2 нормада стационар $\mathbf{v}_{jq}^{*} = 0$ ечимга яқинлашади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида ўзгарувчан коэффициентли аралаш масала G соҳада қаралади.

$$\frac{\partial \mathrm{v}}{\partial t} + \mathbf{K}(\mathrm{x}) \frac{\partial \mathrm{v}}{\partial x} + \mathbf{C}(\mathrm{x}) \frac{\partial \mathrm{v}}{\partial y} + \mathbf{M}(\mathrm{x}) \mathrm{v} = 0 \tag{36}$$

тенгламалар системасини (22)-(23) бошланғич ҳамда чегаравий шартлар билан қаралади, бу ерда **K**(x) – диагонал кўринишдаги матрица, **C**(x) – мусбат аниқланган матрица, **M**(x) – ҳақиқий n ўлчовли квадрат матрица.

Чизиқли симметрик t-гиперболик системага диссипатив чегаравий шартлар билан қўйилган аралаш масала ечими учун қуйидаги теорема исбот қилинган:

5-теорема. (36) система (22)-(23) чегаравий шартлар билан L^2 нормада экспоненциал турғун дейилади, агар шундай $\nu>0$ ва $\mu_i>0,\ i=1,\dots,n$ сонлар мавжуд бўлиб,

$$\begin{pmatrix}\mathbf{K}^+(l) & 0\\ 0 & \mathbf{K}^-(0)\end{pmatrix}\begin{pmatrix}e^{-\nu l}\boldsymbol{\mu}^+ & 0\\ 0 & \boldsymbol{\mu}^-\end{pmatrix}-\begin{pmatrix}0 & \mathbf{r}\\ \mathbf{s} & 0\end{pmatrix}\begin{pmatrix}\mathbf{K}^+(0) & 0\\ 0 & \mathbf{K}^-(l)\end{pmatrix}\begin{pmatrix}\boldsymbol{\mu}^+ & 0\\ 0 & e^{\nu l}\boldsymbol{\mu}^-\end{pmatrix}\begin{pmatrix}0 & \mathbf{s}\\ \mathbf{r} & 0\end{pmatrix}$$

ва $\nu|\mathbf{K}|\boldsymbol{\mu}(x)-\mathbf{K}'(x)\boldsymbol{\mu}(x)+\mathbf{M}^T\boldsymbol{\mu}(x)+\boldsymbol{\mu}(x)\mathbf{M},\ x\in(0,l)$ матрицалар мусбат аниқланган бўлса.

Юқоридаги сингари

$$\begin{bmatrix}\left(\mathbf{w}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{w}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}\end{bmatrix}=\begin{bmatrix}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}\end{bmatrix}-\frac{\Delta t}{\Delta x}\begin{bmatrix}\mathbf{K}_{j-1}^{+} & 0\\ 0 & \mathbf{K}_{j+1}^{-}\end{bmatrix}\begin{bmatrix}\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{jq}^{\kappa}-\left(\mathbf{v}^{\mathrm{I}}\right)_{j-1,q}^{\kappa}\\ \left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{jq}^{\kappa}-\left(\mathbf{v}^{\mathrm{II}}\right)_{j+1,q}^{\kappa}\end{bmatrix},$$

$$j=0,\dots,J-1;\ \kappa=0,\dots,N-1;\ \ q=-\infty,\dots,+\infty \tag{37}$$

$$\mathbf{u}_{jq}^{\kappa}=\mathbf{w}_{jq}^{\kappa}-\frac{\Delta t}{\Delta y}\mathbf{C}_j\left[\mathbf{w}_{jq}^{\kappa}-\mathbf{w}_{jq-1}^{\kappa}\right],\ \ j=0,\dots,J-1;\ \kappa=0,\dots,N-1;\ \ q=-\infty,\dots,+\infty; \tag{38}$$

$$\mathbf{v}_{jq}^{\kappa+1}=\mathbf{u}_{jq}^{\kappa}-\Delta t\mathbf{M}_j\mathbf{u}_{jq}^{\kappa},\ \ j=0,\dots,J-1;\ \kappa=0,\dots,N-1, \tag{39}$$

(33)-(34) бошланғич ва чегаравий шартлар билан ўзгарувчиларни ажратиш (расщепления) айирмали схемаси қурилган ва сонли ечимнинг экспоненциал турғунлигини тасдиқловчи қуйидаги теорема исбот қилинган.

6-теорема. Фараз қиламиз $T>0$ ва $L(\mathbf{v}^{\kappa})=L^{\kappa}=\Delta x\Delta y\sum\limits_{q=-\infty}^{+\infty}\sum\limits_{j=0}^{J-1}\left(\mathbf{v}_{jq}^{\kappa},\boldsymbol{\mu}_j\mathbf{v}_{jq}^{\kappa}\right)$ бўлсин. Агар КФЛ шарти $\dfrac{\Delta t}{\Delta x}\max\limits_{\substack{1\le i\le n\\ 0\le j\le J-1}}\left|k_{i,j}\right|\le 1,\quad \dfrac{\Delta t}{\Delta y}\max\limits_{\substack{1\le i\le n\\ 0\le j\le J-1}}\left|\lambda_i(\mathbf{C}_j)\right|\le 1$ ўринли, шундай ҳақиқий $\nu>0$ ва $\mu_i>0,\ i=1,\dots,n$ сонлар мавжуд бўлиб, $0<\eta\equiv\nu\alpha e^{-\nu\Delta x}-\beta<1$ бунда $\alpha=\min\limits_{\substack{1\le i\le n\\ 0\le j\le J-1}}\left|k_{i,j}\right|,\quad \beta=\max\limits_{\substack{1\le i\le n\\ 0\le j\le J-1}}\left|k'_{i,j}\right|$ $\quad\mathbf{M}_j^T\boldsymbol{\mu}_j+\boldsymbol{\mu}_j\mathbf{M}_j-\Delta t\mathbf{M}_j^T\boldsymbol{\mu}_j\mathbf{M}_j,\ j=0,\dots,J-1$ – номанфий аниқланган матрицалар ва

$$\begin{bmatrix}\boldsymbol{\mu}^+e^{-\nu x_J}\mathbf{K}_{J-1}^{+} & 0\\ 0 & \boldsymbol{\mu}^-e^{\nu x_{-1}}\mathbf{K}_{0}^{-}\end{bmatrix}-\begin{pmatrix}0 & \mathbf{r}\\ \mathbf{s} & 0\end{pmatrix}\begin{bmatrix}\boldsymbol{\mu}^+e^{-\nu x_0}\mathbf{K}_{-1}^{+} & 0\\ 0 & \boldsymbol{\mu}^-e^{\nu x_{J-1}}\mathbf{K}_{J}^{-}\end{bmatrix}\begin{pmatrix}0 & \mathbf{s}\\ \mathbf{r} & 0\end{pmatrix}-$$

мусбат аниқланган матрица бўлса, у ҳолда (37)-(39), (33)-(34) аралаш масаланинг $\mathbf{v}_{jq}^{\kappa}$ ечими L^2 нормада стационар ечим $\mathbf{v}_{jq}^{*}=0$ га яқинлашади.

Учинчи параграфда $G=\{(t,\mathbf{x}):\ 0<t\le T,\ 0<x_i<X_i,\ i=\overline{1,n}\}$ соҳада қуйидаги симметрик гиперболик система

$$\frac{\partial\mathbf{v}}{\partial t}+\sum_{i=1}^{n}\mathbf{B}_i\frac{\partial\mathbf{v}}{\partial x_i}+\mathbf{Q}\mathbf{v}=0, \tag{40}$$

$x_1 = 0$ да

$$\mathbf{v}^{\mathbf{I}}(t,\mathbf{x}) = \mathbf{s}\mathbf{v}^{\mathbf{II}}(t,\mathbf{x}),\ 0 < t \le T,\ 0 \le x_i \le X_i,\ i = 2,\cdots,n, \qquad (41)$$

$x_1 = X_1$ да

$$\mathbf{v}^{\mathbf{II}}(t,\mathbf{x}) = \mathbf{r}\mathbf{v}^{\mathbf{I}}(t,\mathbf{x}),\ 0 < t \le T,\ 0 \le x_i \le X_i,\ i = 2,\cdots,n, \qquad (42)$$

ва $x_i = 0, X_i;\ \ i = 2,\cdots,n$ да

$$\mathbf{v}(t,\mathbf{x})\big|_{x_i=0} = \mathbf{v}(t,\mathbf{x})\big|_{x_i=X_i},\ i = \overline{2,n};\ I = \overline{1,n};\ (I \ne i), \qquad (43)$$

даврий чегаравий шартлар ва $t = 0$ да

$$\mathbf{v}(0,\mathbf{x}) = \boldsymbol{\varphi}(\mathbf{x}),\ \ \mathbf{x} = (x_1,\cdots x_n),\ \ 0 \le x_i \le X_i,\ i = 1,\cdots,n; \qquad (44)$$

бошланғич шартларни қанини топиш масаласи қаралади, бунда $\mathbf{B}_1(x_1)$ диагонал матрица, $\mathbf{B}_i(x_1) = \mathbf{B}_i^*(x_1),\ i = \overline{2,n}$ симметрик матрица ва $\mathbf{Q}(x_1)$ $q \times q$ ўлчовли матрица, шунингдек, $\boldsymbol{\varphi}(\mathbf{x}) = \left(\varphi_1(\mathbf{x}), \varphi_2(\mathbf{x}), \cdots, \varphi_q(\mathbf{x})\right)^T -$ вектор функция. Векторлар ва матрицалар қуйидаги кўринишда ифодаланган $\mathbf{v} = [\mathbf{v}^{\mathrm{I}}, \mathbf{v}^{\mathrm{II}}]^T$, $\mathbf{B}_1(x_1) = diag(\mathbf{B}_1^+(x_1), -\mathbf{B}_1^-(x_1)),\ \mathbf{B}_1^+(x_1) = diag(b_1(x_1), \ldots b_m(x_1)),$
$\mathbf{B}_1^-(x_1) = diag(b_{m+1}(x_1), \ldots, b_q(x_1)),$ бўлиб
$b_1(x_1) \ge \ldots \ge b_m(x_1) > 0 \ge -b_{m+1}(x_1) \ge \ldots \ge -b_q(x_1)$ ва $\mathbf{s}$ матрица $(q-m)\times m$, ўлчамли тўғритўртбурчак, $\mathbf{r}$ матрица $m\times(q-m)$ ўлчамли матрицалар.

Ушбу

$$L(t) \equiv \int_0^{\mathbf{X}} \left(\boldsymbol{\mu}(x_1)\mathbf{v}, \mathbf{v}\right) \mathbf{dx} = \int_0^{X_n} \cdots \int_0^{X_1} \left(\boldsymbol{\mu}(x_1)\mathbf{v}, \mathbf{v}\right) dx_1 \cdots dx_n \qquad (45)$$

квадратик функция қаралади, бу ерда $\mu_i > 0,\ i = 1,\ldots,q,\ \boldsymbol{\mu}^+ = diag(\mu_1,\ldots,\mu_m),\ \boldsymbol{\mu}^- = diag(\mu_{m+1},\ldots,\mu_q),$ ва
$\boldsymbol{\mu}(x_1) = diag(e^{-\nu x_1}\boldsymbol{\mu}^+, e^{\nu x_1}\boldsymbol{\mu}^-).$

7-теорема. (40) система (41)-(42) чегаравий шартлар билан L^2 нормада экспоненциал турғун бўлади, агар шундай $\nu > 0,\ \mu_i > 0,\ i = \overline{1,q}$ сонлар мавжуд бўлиб,

